



ОИЛА-МАҲАЛЛА-МАКТАБ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШДА БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ЎРНИ

Ибрагимов А.А.

*Самарқанд вилояти педагогик маҳорат мактаби
директори, п.ф.д., профессор
Салимов А.*

*Самарқанд давлат университетининг Ўзбекистон Финляндия педагогика ин-
ститути “Бошланғич таълим методикаси” кафедраси ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: илм-фан, таълим-тарбия, оила, маҳалла, мактаб, инсон капитали, таълим масканлари, бошланғич синф ўқитувчилари, миллий дастур, мактаб.

Ключевые слова: наука, образование, семья, микрорайон, школа, человеческий капитал, образовательные учреждения, учителя начальных классов, национальная программа, школа.

Key words: science, education, family, microdistrict, school, human capital, educational institutions, primary school teachers, national program, school.

Резюме:

Ушбу мақолада бугунги кунда мамлакатимизда оилавий тарбия самардорлигини, мамлакатимиз аҳолисининг умумий маданий савиясини ошириш маълум даражада маҳалла-оила-мактаб ҳамкорлигига ҳам боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратилган. Сўзсиз ушбу масалаларни ижобий ҳал қилишда таълим-тарбия юзасидан фаолият олиб бораётган бошланғич синф ўқитувчиларининг ўрни беқиёс эканлиги ҳеч биримизга сир эмас. Мақолада ушбу соҳа эгаларининг мақсад ва вазибалари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Резюме:

В данной статье особое внимание уделяется тому, что повышение эффективности семейного воспитания и общего культурного уровня населения нашей страны в определенной степени зависит от сотрудничества соседства-семьи-школы. Ни для кого из нас не секрет, что в положительном решении этих вопросов несравненную роль играют учителя начальных классов, работающие в сфере образования. В статье даются предложения и рекомендации относительно целей и задач владельцев данного месторождения.

Summary:

This article pays special attention to the fact that increasing the effectiveness of family education and the general cultural level of the population of our country to a certain extent depends on the cooperation of neighborhood-family-school. It is no secret to any of us that primary school teachers working in the field of education play an incomparable role in the positive resolution of these issues. The article provides proposals and recommendations regarding the goals and objectives of the owners of this field.



Кириш. Мамлакатимизда сўнгги йилларда илм-фан, таълим-тарбия соҳаларини давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантиришга қаратилганлиги кундан-кунга долзарблик касб этмоқда. Оилада фарзанд дунёга келган кундан бошлаб, то унинг камолот ёшига етгунига қадар уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун хизмат қиладиган яхлит узлуксиз тизим яратилмоқда-ки, ушбу жараёнларда инсон капиталига эътиборни янада кучайтириш, ҳамда бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиш борасида муҳим дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Эътибор қаратамиз, масалан, беш йил олдин юртимизда 5 минг 211 та боғча фаолият олиб борган бўлса, бугунги кунга келиб бу рақам 19 минг 316 тага, тизимдаги камров даражаси эса 62 фоизга, 6 ёшлилар ўртасидаги камров даражаси эса 77 фоизни ташкил қилмоқда.

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда янги турдаги ва янги сифат босқичларидаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар ўз фаолиятларини олиб боришмоқда. 2024 йилнинг 3-чорагига келиб, математика йўналишида 112 та, физика йўналишида 14 та, кимё-биология йўналишлари бўйича 87 та, информатика ва ахборот коммуникацион технологиялари бўйича 99 та, хорижий тиллар бўйича 207 та ихтисослаштирилган мактаблар ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни амалга оширишда узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини ҳисобланган умумий ўрта таълимнинг ўрни каттадир. Унда таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш, шахсда бошланғич тадқиқотчилик элементларини шакллантиришда мактабнинг оила ва маҳалла билан биргаликдаги фаолияти ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг қуйидаги сўзларини айтиб ўтишимиз жоиздир: “Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истикболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ. Буюк юнон олими Аристотелнинг “Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади”, деган сўзлари бор. Қаранг, бу фикрлар милоддан аввал айтилган. Демак, инсоният онгли ҳаёт кечири бошлаган даврдан буён таълим ва тарбия масаласи, доимо долзарб аҳамият касб этиб келмоқда.

Бир ўйлаб кўрайлик, дунёдаги ривожланган давлатлар қандай қилиб юксак тараққиёт ва турмуш фаровонлигига эришмоқда? Энг аввало, илм-фан ва таълимга қаратилган улкан эътибор туфайли эмасми?



Шунинг учун ҳам кейинги йилларда юртимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ислохотлар олиб борилмоқда.

Юқоридаги фикрларни тасдиғи ҳамда миллий дастурнинг вазифаларидан келиб чиқиб, бошланғич таълим мактабларининг аввало ўқитувчиларида сўнга ўқувчиларда тадқиқотчилик элементларини шакллантиришда оила, маҳалла, мактаб таълими ва тарбияси билан ҳамоҳанг равишда амалга ошириш зарур. Бунинг учун эса:

- бошлағич таълим-тарбия шакллари, усул ва воситаларини жаҳон андозаси талабларига мос тарзда ривожлантириш;

- Ўқитувчи-мураббийларнинг, ота-оналарнинг, маҳалла фаолларининг ҳамкорликдаги ижодий изланишларини ва маҳоратларини оширишнинг самарали йўлларини топиш;

- Оила – маҳалла – мактаб ҳамкорлигида қишлоқ ёшлари учун касб-хунар таълимнинг илғор моделларини ҳаётга кенг жорий этиш;

- Оила-маҳалла-мактаб таълим-тарбия тизимида ҳамкорликни кучайтириш;

- Болаларни бўш вақтларини оила-маҳалла-мактаб ҳақорлигида қизиқарли, мақсадли ташкил этишга эришиш лозим.

Оилаларнинг болалар тарбияси учун имконият доиралари анча кенг бўлиб, кўплаб оилаларимиз моддий жиҳатдан яхши таъминланган. Ота-онанинг кўпи ўрта махсус маълумотли. Бундай ҳолатлар бошланғич синф ўқитувчиларининг фаолият соҳасидаги билимлар билан қуролланишига ва оила, маҳалла ва мактаб билан ҳамкорликда болалар таълим-тарбиясини яхшилаш имкониятларини яратади. Ота-оналарнинг билим савияси, умумий таълим-тарбияга оид маданияти, ижтимоий интилишлари ва талаблари, болалар тарбиясига нисбатан турлича муносабатлари, шаклланган ҳаётий тажрибалари, тарбия ва ижтимоий тараққиёт натижасида ҳосил қилган ишонч ва эътиқодлари, оиладаги ўзига хослик болалар тарбиясига салмоқли таъсир кўрсатади.

Мактабга тез-тез бориб турувчи ота-оналарнинг фаолияти мактовга сазовордир. Чунки ўқитувчилар билан бўлган учрашувлар, болалари юзасидан билдирган фикрлар ўз навбатида ота-оналар учун муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, улар болалари қаерда, ким билан юради, уларнинг дўстлари ким ва қандай фанларга қизиқишларини билиб оладилар, назорат қилиш имконияти ортади. Натижада болада тадқиқотчилик элементлари шаклланиб боради.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айрим мактаб ўқитувчилари орасида ўз ишига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлувчи



шахслар ҳам йўқ эмас. Уларнинг энг ёмон хатоларидан бири таълим-тарбияга оид барча камчиликларни ота-оналар зиммасига юклаб қўйиб, ўзлари эса кузатувчи бўлиб қолишларидир.

Бошланғич синф ўқитувчилари ота-оналарнинг фаол ёрдамисиз болаларнинг баркамоллигини таъминлай олмайди. Бу ўринда тарбиячининг ўзини тарбиялаш лозимлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Ўзига нисбатан талабчан муаллим ота-оналар билан ҳамкорликда ўқувчиларда мустақил фикрлаш ва ҳаракат қилиш, янгиликни сезиш, ташаббускорлик ҳамда ижодкорлик қобилиятларини, тадқиқотчилик элементларини шакллантириш мақсадида уларга қатъий талаблар қўйиш учун маънавий ҳуқуққа эга бўлади.

Республикамизда айрим мактабларда ва маҳаллаларда ота-оналарни маълум гуруҳларга бўлиб мажлисларга чақириш жорий этилмоқда. Масалан, ёш ва кам тажрибали оилаларни алоҳида, ногўлиқ оилаларни, кўп болали оилаларни алоҳида-алоҳида чақириб, улар билан ишлаш йўллари белгиланмоқда.

Мактабни, маҳаллани ва оилани ўзаро боғловчи восита - бу ўқувчилардир. Ўқувчилар билан ишлаш, уларнинг илмий дунёқарашларини, тадқиқотчилик кўникмаларни шакллантириш, ижтимоий фаолликларини таъминлаш орқали ота-оналарга таъсир кўрсатиш усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада мактаб, маҳалла ва оила алоқасини таъминловчи ота-оналар мажлислари, болалар тарбиясига алоқадор муаммоларни жамоа бўлиб ҳал этиш кабиларнинг ролини инкор этиб бўлмайди. Жумладан, “Болангизнинг қандай фанларга қизиқиши борлигини биласизми?”, “Болаларимиз қизиқишлари, ҳамда дунёқарашлари ҳақида суҳбатлашайлик”, “Глобал ҳаёт бўсағасида” каби мавзуларда олиб бориладиган суҳбатлар ота-оналарни ўз болалари ҳақида, уларнинг келажаги ҳақида қайғуришларига сабаб бўлди.

Хулоса.Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маҳалла, мактаб ва оиладаги масъулиятли вазибаларнинг бажарилишида бошланғич синф ўқитувчиларининг тарбиявий фаолиятлари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, бошланғич синф ўқитувчиларининг ҳар бир ўқувчисининг оиласига кириб бориши шу оилага ва ота-оналарга ҳурмат сифатида баҳоланади. Бошланғич синф ўқитувчиларининг ота-оналар билан биргаликда таълимий-тарбиявий чора-тадбирларни белгилашлари, ўқувчилар кўз олдига ота-оналари билан суҳбатлашишлари уларнинг тарбиясига самарали таъсир кўрсатади. бошланғич синф ўқитувчиларининг ота-оналар билан суҳбатидан кейин ўқувчилар ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз беради, бу уларни хурсанд қилади, янада куч-ғайрат



сарфлашга илҳомлантиради. Ўз навбатида, бошланғич синф ўқитувчилари ота-оналар томонидан билдирилаётган хабар. танқидий фикрларини вазминлик билан тинглашлари, мулойимлик билан эшитишлари ва имконият доирасида ижобий ҳис этишлари жуда муҳимдир. Бундай муносабатларда бошланғич синф ўқитувчиларига ота-оналарни ўз тенгқурларидек дўст тўтишлари, Келинг, биргаликда ўйлаб кўрайлик? Сиз нима дейсиз? каби дўстона савол-жавоблар орқали иш тутишлари тавсия этилади. Бу амалий кўрсатмалар айниқса, мактаб ўқувчиси психологияси учун жуда муҳимдир. Оилавий байрамларни нишонлаш, ёшлар тарбиясида алла, эртақ, халқ мақол ва маталларидан, қўшиқларидан самарали фойдаланиш, биргаликда маданий ҳордиқ чиқаришни, миллий спорт ўйинларини, тарихий обидалар ва қадамжоларга саёҳатлар уюштириш, бошқа миллат маънавиятига ҳурмат билан қараш, оила китобхонлигини ташкил этиш, оилада тил, мулоқот ва кийиниш маданиятига алоҳида эътибор бериш, фарзандларга касб-хунар ўргатиш, оилада бўш вақтни ижтимоий фойдали меҳнат воситасида самарали ташкил этиш, болани иқтидорига қараб меҳнат ёки илм олишга ундаш оила маънавиятини, болани илмий ижодий фаолиятини шакллантиришнинг муҳим шартни ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. - // Халқ сўзи, 2020 йил 24 сентябрь, №202 (7704).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
3. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузаси. www.uza.uz. 07.01.2017й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони
5. Шавкат Мирзиёев. “Мактаб таълимини ривожлантирмасак, ёшларимиз шароит бор жойларга кетади”. <https://kun.uz/53070317>
6. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев хужжатли фильмда оиланинг ҳаётидаги ўрни ҳамда нима уни бахтли қилиши тўғрисидаги нутқидан. 2018 йил 24 июнь.
7. Н.Н. Азизхўжаева. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2006 й. Мазкур ўқув қўлланмада таълимнинг моҳияти, тамойиллари ва мазмунининг асосий назариялари кўриб чиқилган.
8. D.A. Zmaranda, L.-L. Pop-Fele, C. Györödi, R. Györödi, G. “Pecherle Performancye Comparison of CRUD Methods using NET Object Relational Mappers: A Case Study”.
9. Темур тузуклари. Тошкен. Нашриёт манбаа бирлашмаси. – 1991.
10. Икромжон Иномов “Иқтисодий тарбия назарияси”. Тошкент. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети. 2005. -248 б.
11. Авлиёқулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технология. Дарслик. -Т.: “Тафаккур бўстони”, 2012. 208 б.
12. А.Х. Косимов., Ф.А. Холикова. Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар фанидан маърузалар матни. Тошкент 2004.